

ТИЛГА АНТРОПОЦЕНТРИК ЙЎНАЛИШДА ЁНДАШУВ: ФАТИКА ВА УНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИ

Н.Н.Хамроева – ўқитувчи

Бухоро давлат университети

Таянч сўзлар: прагматлингвистика, фатик мулоқот, нутқ акти, фатик нутқий жанрлар, контактни ўрнатиш, контактни қўллаб – қувватлаш ва тугатиш.

Ключевые слова: прагматлингвистика, фатическая коммуникация, речевой акт, жанры фатической речи, светская беседа, установление контакта, контактная поддержка и завершение.

Key words: pragmalinguistics, fatic communication, speech act, fatic speech genres, small talk, contact setting, contact support and termination.

Кириш. XX аср охири XXI асрнинг боши лингвистик тадқиқотлар объекти доирасининг сезиларли даражада кенгайиши билан аҳамиятли бўлиб хисобланади. Ҳозирги кунда антропология, психология, социология, маданиятшунослик ва бошқа қатор фанларсиз тил ўрганиш соҳасида жиддий натижаларга эришиш мушкул вазифа эканлигига ишонч ҳосил қилинди. Ўзининг барча психологик хусусиятлари, ижтимоий мавжудлик шакли ва маданий қадриятлари билан инсон лингвистикасининг диққат марказига қўйилган антропоцентрик принцип лингвистика соҳасида янги фанларнинг – прагматлингвистика, нутқ жараёнларининг назарияси, психоллингвистика, социоллингвистика каби фанларнинг шаклланишига имкон берди.

Мақсад ва вазифа. Ушбу мақолада нутқий мулоқотнинг кўриниши сифатида фатиканинг моҳиятини очиқ бериш мақсад қилиб олинди. Фатик нутқий жанрлар (НЖ)ни таҳлил этиш олдимирига қўйилган вазифадир.

Натижа ва ютуқлар. Тил соҳасидаги замонавий изланишлар антропоцентрик йўналишда давом этаётганлиги фатика муаммосини тадқиқ қилишда янги комплекс ёндашув заруратини тақозо этмақда. Инсоннинг ижтимоий ҳаётида, дунёни англашида, янги билимларни ўзлаштиришида вербал мулоқотнинг муҳимлигини ҳисобга олсак, фатиканинг мавқеи, унинг илмий ва амалий аҳамиятини ўрганиш лингвистик жиҳатдан қизиқ муаммо эканлиги билан характерланади.

Шуни қайд этиш лозимки, ҳозирги тилшуносликда фатик мулоқот йўналишини тушуниш турли хил талқинларга эга. Бир гуруҳ олимлар учун (Скрипниченко, Формановская) фатик функция алоқа ўрнатишни англатса, бошқа бир гуруҳ олимлар учун (Куликова, Саямина, Федорова) фатика функцияси нафақат контакт ўрнатиш, балки уни қўллаб – қувватлаб туриш ҳамдир. Биз учун анча муқобили бу фатик мулоқот интеракцияни ташкил этиш воситаси, яъни *тил воситаларининг контактни ўрнатиш, қўллаб – қувватлаш ва тугатишда ишлатилишидир* (Р.О.Якобсон, Г.Г.Почепцов, И.Н.Горелов, К.Ф.Седов). Н.И. Формановская фикрича, ҳар бир фатик матнда ўзига хос мантиқ бўлади. Чунки у маъносиз эмас. Шу сабабли ҳам информатика ва фатика бор жойда дискурсларнинг аралаш турлари учрайди. Маслан, тингловчиларга янги маълумот етказишга мўлжалланган оғзаки нутқ бир вақтнинг ўзида тингловчилар *диққатини жалб этиш, улар фаоллигини ошириш, ҳақиқатни аниқлашда ҳамсуҳбатлар фикрлашларини фаоллаштириш* учун алоқани сақлаб туриш элементларига эга бўлади.

Шунинг учун ўзаро алоқани сақлаб туришда фатика соҳасига жуда катта доирадаги метакоммуникатив бирликларини киритиш мумкин бўлади. Масалан: “Сиз биласизми, нима...”, “Биз сиз билан у ва бу тўғрисида олдин гаплашган эдик”, “Энди навбатдагига ўтамиз”, “Келинг, кўриб чиқамиз” ва. ҳ. к.з. Фатик нутқ асосан турмушдаги оддий жанрларни куруқ хангома, лоф ва нутқ этикети билан боғлиқ жиҳатларни ўзида мужассамлаштирган бўлади. Мулоқот иштирокчилари мулоқот вазиятига қараб нутқ алоқаси элементларини танлайдилар. Нутқ алоқасини ўрнатиш босқичлари

хусусиятларидан бири шундаки, у диалогик акт таркибида анча ижтимоий моҳиятга эга бўлади.

Фатик нутқда ўзини тутиш деганда нутқ акти – интенция тушунилади. Бунда интенцияни амалга ошириш мулоқотга киришиш афзаллигидан келиб чиқади. Унда: 1) фатик хулқ атворда хусусий мақсадлар дастлабки алоқа импульсига буйсунган бўлади; 2) фикр билдиришнинг информатив вазифаси иккинчи даражали бўлади; 3) коммуникатив-стилистик характердаги коннотатив режа, аксинча, мутлоқ қадрият сифатида бўлади. Фатик коммуникация лексиканинг десемантизацияси билан характерланади. Нутқни тўлдириб турувчи нутқ тўлдиргичларининг мавжудлиги бошқариладиган ва доимий ишлаб чиқиладиган формулаларнинг борлиги билан ҳам характерланади. Фатик мулоқотда новербал белгилари, кодификация қилинмаган ва релевант мулоқотлар роль ўйнайди. Кўп ҳолларда “тирик” диалогнинг вербал ва новербал қисмларини ажралган ҳолда кўриш имконсиздир. Фатик мулоқотнинг мақсади ва мазмуни одатда фатик мулоқотнинг ўзига тенг бўлади.

Мулоқотнинг қандай бўлиши аслида ҳамсуҳбатнинг хулқи билан тўғридан тўғри боғлиқ бўлади. Нима олдинги ўринга чиқишига қараб, ҳамсуҳбатнинг мулоқот жараёнида ўзини тутиш манераси белгиланади. Бу эса қандайдир информатив ёки фатик нутқ жанрлари бўлишини шарт қилиб қўяди.

Фатик нутқ жанрларига бағишланган ишлар Н.Д.Арутюновой, Т.Г.Винокур, В.В.Дементьева, В.З.Демьянкова ва бошқалар тадқиқотларида учрайди. Т.Г.Винокур и В.В.Дементьева концепцияларида фатика “*мулоқотнинг ўзи асосий мақсад бўлган*” мулоқотга киришишни англатади.

Бу ўринда фатик нутқий жанрлар (НЖ)ни ҳам келтириб ўтиш жоиздир. а) Шахслараро муносабатларни билвосита бузадиган фатик НЖлар. Улар жавобгарликни коммуникантга ағдариш: лақилатиш, масҳара, ёлғон мақтов, киноянинг турли кўринишлари;

б) Шахслараро муносабатларни билвосита яхшилайдиган фатик НЖлар: флирт (қочирим), ҳазил. Шу билан бирга small talkни ажратишадик, уларни қўллаганда муносабатлар ёмон ҳам яхши ҳам бўлмайди.

Фатик мулоқотнинг лутф (хушомад, мақтов) жанрини Иззат Султон ва Уйғунларнинг “Алишер Навоий” драмасида кўплаб учратиш мумкин:

Мунажжам: Фалакнинг ҳалқумин соҳир сиқибдур,
Қарангиз, уч қуёш бирдан чиқибдур.

Жомий: Узуб бир гулни, хоҳлардимки, боқсам,
Бўлуб хурсанд, ани чаккамга тақсам.

Маждиддин: Агар қўл чўсангиз гулларга бирдан –
Учиб кетмасмикин қуилар чамандан. (Кулишад)

Шу драмада Астрабод шахрида оғир руҳий ҳолатда бўлган Мансур Мир ва Абулмалих суҳбатларига қўшилгач, суҳбатга ҳеч қандай алоқдор бўлмаган обхаводан сўз бошлаши ҳам фатиканинг мулоқотга кириши турларидан бири сифатида кўрсатилиши мумкин:

Мансур: Бу ернинг ҳавосига сира тушуниб бўлмайди. Эрталаб совуқ эди. Кундузи ёмғир ёғди, ҳозир осмон чарақлаган ойдин кеча.

Абулмалих: Ҳа... Бу ерда бир кунда йилнинг тўрт фаслини бошдан кечириш мумкин.

Навоий: Ҳа... Астрабоднинг бир куни бир йилга тенг. Биз ғариблар учун бу ерда умр ўтказиш мажбурий, сенга эса уюл.

Шунингдек, ўнгайсиз ҳолатда қолган Озода ҳам келинойиси – акасининг хотини билан суҳбатни об-хаво ва табиатга буради:

Озода: (Азизанинг пайдо бўлганига ажабланиб, ҳамон ўз ҳислари аросатида). Салом, келинойи!

Азиза: Салом, Озодахон!

Озода: Қаранг, табиат қандай чиройли!

Азиза: (аввалги ғамгин кайфиятда, аммо табиатниг ғўзаллигига қойил бўлмасдан иложсиз) Ҳа, ўзига маҳлиё қилади.

Озода: Ҳозиргина мен кўнглимда ҳар бир кунимизнинг мана шундай ёруғ бўлишини тиладим.

Азиза: Яхши тилак! Эзгу умид!

Озода: Осмонниг тиниқлигини қаранг-а!

Азиза: (таиқарига тикилиб, афсус билан) Узоқдан қора булут қўтарилиб келяпти.

Озода: Ўткинчи булут

Фатик робитадорликнинг жанжал-тахқир тури сифатида Иззат Султоннинг “Имон” драмасидан қатор ҳолатларни келтириш мумкин. Чунончи:

Комилов: Ҳа, дамнинг ичингга тушиб кетдимми? Қани, энди чиқ бу ердан!

Санжаров: Мен ҳали кетмайман.

Комилов: Кет деяпман. ... Йўқол!

Ойша: Йўқол дегандан кейин йўқолсангиз-чи!

Санжаров: Бизнинг гапимиз ҳали тамом бўлгани йўқ.

Комилов: Гап тамом. Йўқол!

Бундай фатик мулоқотнинг жанжал жанрига яхшигина намуна (ҳатто тингловчи эшитишни истамайдиган кўринишини) “Бойбачча” бадиий фильмида шаллақи хотиннинг қулоқларига пахта тикиб олган Бойбачча билан “суҳбати” лавҳасида ҳам кўриш мумкин.

Л.Витгенштейн томонидан фатикани фалсафий изоҳлашга асос солинди. Тил ўйинлари назариясини яратган олимнинг ушбу гаплари машҳурдир: “Бизни чулғаб олган саросималик тил ишлаётган пайтда бўлмай, балки қуруқ гап давомида содир бўлади”. Ўшандан буён кўп олимлар (Т.Г.Винокур, Б.Малиновский, Г.Г.Почепцов) фатика категориясини ўрганишга ўзларининг ҳиссаларини қўшиб келдилар. Лекин 1955 йилда Гарвард Университетида “Сўз ёрдамида нарсаларни қандай яшаш мумкин” («Howto do the things with words») номли маърузалари билан танилган Д.Остин ишлари бу йўналишда анча устувордир. Остин шогирди Дж. Сёрл томонидан “Сўз ҳаракат сифатида” номи билан бу китоб - «Howto do the things with words» рус тилида чоп этилган. Остин фикрича, фатик акт бу ҳали ҳамкорлик дегани эмас. К.Ф. Седов фатик жанрлар хусусида гапирар экан, улар орасида алоҳида “хангома” жанрини ажратиб кўрсатади. Бу асосда чат мулоқотини суҳбат ёки хангома жанрига кирувчи алоҳида субжанр деб қараш мумкин.

Сўзловчилар ва тингловчилар учун риторик қоидалар (самарали нутқ қоидалари) – булар шундай

қоидаларки, мураккаб прототипик характердаги информатив ва фатик Н.Ж.ларни яратганда, уларга амал қилиш талаб этилади. Адресатга мўлжалланган фатик моҳиятга эга самарали мулоқотнинг барча тамойил ва қоидаларини Н.И.Формановская қуйидаги ўзаро боғлиқ ва ўзаро бўйсунувчи қоидалар билан белгилайди:

1. Ҳамсуҳбатга (унинг дунёқараши, ижтимоий ва психологик роли, унинг фикри, ҳолати ва х.к.з.) қараб мўлжал олиш.

2. Ҳамсуҳбатга ишонч ва у билан ҳамкорлик

3. Ҳамсуҳбатга эътибор (унинг обрўси, мавқеи ва мулоқот мақсадларига эътибор).

4. Мулоқотда бўладиган резонансни ҳисобга олиш (розилик, розилик олиш ёки аксинча).

5. Хушмуомала бўлиш ва нутқ ахлоқи қоидаларига амал қилиш.

6. Ҳамсуҳбатга енгил таъсир қилиш.

7. Нутқ хулқ атворининг асосланганлиги (коммуникатив вазият нуктаи назаридан).

8. Нутқ хулқ атворини танлаш имконияти, мулоқот давомида мулоқот стратегияси ва тактикасини ўзгартириш.

9. Мулоқотчиларда нутқ хулқ атвори вариантлари бўйича кўникмаларнинг бўлиши

10. Нутқ хулқ атвори модели ихчамлиги бўйича зарур тасаввурларнинг бўлиши (бошқа усулга, кодга, мавзуга, тактикага ўтиш)

11. Нутқ воситалари тил вариативлиги кўникмаларига эга бўлиш.

12. Тил хулқ атвори стандартлашуви, стереотиплашуви билимларига ва усуллар, жанрлар ҳамда воситалар стереотиплари билимига эга бўлиш.

13. Мулоқотнинг сценарийлиги (схемалар, сценарийлар, турли вазиятлардаги фреймалар ва улардан фойдалана олиш) хусусида тасаввурларнинг бўлиши.

Хулоса. Хулоса сифатида айтишимиз мумкинки, фатик мулоқот, ўзида мавзувий маълумот ташимайди, аммо диалогик дискурсда мавзунинг аниқлаш ёки уни ўзгартириш қобилиятига эга, яъни уни бошқаради. Фатик коммуникация ўзида фатик ва информатив қатламнинг ўзаро ўтказувчанлигини ифодалайди. Дискурс бошида адресатга коммуникация партнёрининг миллий-маданий ва шахсий-индивидуал хусусиятлари ҳақида зарурий минимум маълумотларини беради, мулоқотга тоналлик бахш этади, интеракциянинг қўтилайтган мавзулари доирасини аниқлайди. Шу аснода, фатик коммуникация ижтимоий-дейтив маълумот ташувчиси ҳисобланади. Фатик матндаги муҳим маълумот, дискурсда коммуникантларнинг тасаввурларидаги контекстуал шартларни ифодалаш орқали фаоллаштириш ҳақидаги интересубъектив маълумотлари ҳисобланади.

Адабиётлар

1. Гурочкина А.Г. Когнитивный и прагматический аспекты функционирования языковых единиц в дискурсе: Учебное пособие. - СПб.: Изд-во РГПУ им. А.И.Герцена. 2005. -С. 102.
2. Сепир Э. Избранные труды по языкознанию и культурологии. - М.: «Прогресс», 1993. - С.259-265.
3. Сидорова Е.В. Основы коммуникативной лингвистики. - М.: 1986. -С.48-60
4. Тоирова Г. Фатика ва фатик мулоқот турлари .УзМУ хабарлари –Тошкент: 2016, № 2. 291-295-б.
5. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”. –Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат нашриёти, 635-б.
6. Хамроева Н.Н. Комплимент как одна из форм фатического общения. Komplement as one of fatic communication forms. //Міжнародний науковий журнал «Інтернаука». 2020. -С.107.
7. Намроєва Н. "Илтифотнинг прагматингистик хусусиятлари." Центр научных публикаций (buxdu. uz) 2.2 (2020).

РЕЗЮМЕ

Тилшуносликда нуткнинг информацион ва фатик функциялари ажратилади. Фатик функция бу алокани давом эттириш ёки тўхтатиш зарурияти, яъни қабул қилувчи билан ўрнатилган алоканинг мавжудлигини белгилайдиган функция. Ушбу жараённинг асосий вазифаси алокани сақлашдир. Мақолада нутқ актида тилнинг фатик функцияси, фатика ва фатик нутқий жанрлар ҳақида сўз юритилади.

РЕЗЮМЕ

В лингвистике различают информационную и фатическую функции речи. Фатическая функция - это функция, которая определяет необходимость продолжить или прервать соединение, то есть наличие соединения, установленного с получателем. Основная функция этого процесса - поддерживать общение. В статье рассматривается фатическая функция языка, фатика и речевых жанров фатика в речевом акте.

SUMMARY

In linguistics, the informational and fatic functions of speech are distinguished. A fatic function is a function that determines the need to continue or terminate a connection, that is, the existence of a connection established with the receiver. The main function of this process is to maintain communication. The article discusses the fatic function of language, fatika and fatik speech genres in the act of speech.

АЖИНІЁЗ ЛИРИКАСИДА СЎЗ МАЪНОСИ КЎЧИШИ УСУЛЛАРИ

Г.Е.Карлыбаева – филология фанлари доктори

Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Таянч сўзлар: сўз маъноси, маъно кўчиши усуллари, кўп маъноlilik, полисемия, семантика, метафора, метонимия.

Ключевые слова: значение слова, способы перехода значений, полисемия, семантика, метафора, метонимия.

Key words: meanings of words, transitional meanings of words, polysemy, semantics, metaphor, metonymy.

Ҳар бир халқнинг ўзligини англашга бўлган асрий интилишлари, миллат тафаккури ва онгида доимий давом этадиган миллий, маънавий, мафкуравий қайта тикланиш жараёнлари адабий меросга, халқ оғзаки ижоди, юксак маънавияти ва маданиятига, она тилининг шаклланиши ва такомилга янгича нуктаи назардан ёндашишни тақозо этади. Жаҳон тилшунослигида бадиий асар тилининг лингвопоэтик хусусиятлари ва ижодкорнинг луғавий бирликлардан фойдаланишдаги ўзига хос маҳоратини тадқиқ этиш асосида тил тараққиётини белгилайдиган етакчи тамойилларни аниқлашга алоҳида эътибор қартилмоқда.

Мустақиллик аждодларимизнинг асрлар давомида яратган бебаҳо қадриятлари – тили, фольклори ва ёзма адабиётини яхлит бадиий тизим сифатида таҳлил қилиш, ҳозирга қадар илмий муомалага олиб қирилмаган адабий манбаларни кенг омдалаштириш, миллий тилнинг шаклланиш тамойиллари ва тараққиётида ёзма адабиётнинг тутган ўрнини кўрсатиб беришнинг кенг имкониятларини очди. Сўнгги йигирма беш йил ичида қорақалпоқ тилшунослигида тил ва бадиий тафаккур масаласининг кун тартибига чиққанлиги ҳам миллий ўзлигини англаш, маънавий қадриятларни тиклаш ва тадқиқ этишга бўлган эҳтиёж натижасидир. Зеро, «улуғ аждодларимиз томонидан яратилган ва бугунги кунда бутун маърифатли дунёни ҳайратга солиб келатган илмий мерос фақат бир миллат ёки халқнинг эмас, балки бутун инсониятнинг маънавий мулки бўлиб, бу бебаҳо бойлик янги ва янги авлодлар учун донишмандлик ва билим манбаи, энг муҳими, янги кашфиётлар учун мустаҳкам замин бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир» [1].

Кенг қамровли лисоний маданиятни ўзида ифодалаган XIX аср қорақалпоқ мумтоз шоири Ажиниёз Қўсибой ўғли ижодини лексик-семантик ва услубий жиҳатдан таҳлил қилиш қорақалпоқ адабий тили тарихий тараққиётининг етакчи тамойилларини очишга асос беради. Ажиниёз ижоди ноёб лингвопоэтик ҳодиса сифатида ўз даври тили ва маданий қадриятларини тўлақонли акс эттирувчи адабий манбадир. Шу боис Ажиниёз поэзиясини лексик-семантик ва услубий жиҳатдан ўрганиш қорақалпоқ тили тараққиётининг муҳим аспектларини, ўша давр қорақалпоқ адабий тилининг лингвопоэтик табиатини ўрганишда катта аҳамият касб этади.

XIX аср қорақалпоқ мумтоз поэзияси миллат маданияти тараққиётида олтин халқани ташкил қилади. Жорий ижодий босқичда ифода ва тасвир имкониятлари анъанавий услубий қўлланма ҳосил

қилиш баробарида давр ижтимоий-тарихий манзарасини қизиқ, ҳаётий-маиший муаммолар ҳажмини умумлаштириш, воқеа-ҳодисот моҳиятига қириб боришга мойиллик, халқ маънавияти ва манфаат-эҳтиёжларини таҳлиллашга интилиш анъанага айланаёзди. Хусусан, Кунхўжа шеърлятида сўз ва тасаввур бир-бирини тўлдирувчи ажиб уйғунликка эришади, Ажиниёз лирикасида диний-маърифий ақидалар устуворлашуви қабариб кўринади, Бердақ назмида халқона оҳанг ижод фалсафаси шаклланишига замин ҳозирлайди, Ўтеш ва Умарлар бадиий изланишларида бўртиб турадиган ўзига хос адабий тафаккур оламни эстетик идроклаш жараёни чексизлигини амалий далолатлайди. Мавжуд услубий бирикув, ўз навбатида, қорақалпоқ адабий тили меъёрлари шаклланиши ва такомилда муайян салмоқ касб этади.

Манбаларнинг гувоҳлик беришича, шоир яшаган даврда қорақалпоқ адабий тили тарихида иккита йўналиш муҳим саналган. Биринчи йўналиш – қорақалпоқ халқи ҳаётида амалда бўлган умумхалқ сўзлашув услуби негизида асарлар яратиш, иккинчи йўналиш – бир неча асрлик Марказий Осиё маданий ҳаётида ҳукм сурган туркий адабий тил анъаналарига таянган ижод намуналарини ривожлантиришга бориб такалади. Қорақалпоқ ёзма адабиёти ва адабий тилининг шаклланиши ҳам ана шу туркий адабий тил анъанаси билан боғлиқ. Марказий Осиёда амалда бўлган туркий адабий тил ҳудудда яшайдиган барча туркий халқлар учун муштарак тил вазифасини ўтаган. Ҳар бир туркий халқида адабий тилининг маҳаллий вариантлари вужудга келган ва у ўз таркибига ўша этносларнинг умумхалқ сўзлашув тили воситаларини қамраб олган. XIX асрнинг иккинчи ярмида мазкур адабий тилнинг қорақалпоқча варианты шакллана бошлаганлигини мавжуд ҳукукий-меъёрий ҳужжатлар ва қорақалпоқ мумтоз шоирлари асарларининг ёзма нусхалари тасдиқлайди. Туркий адабий тил анъаналари араб ёзувида битилган «Алпомиш», «Едиге» дostonлари қўлёзма нусхалари тилига оз таъсир қилган бўлса, Ажиниёз асарлари ва ҳукукий ҳужжатлар тилига кўп таъсир ўтказган.

Ажиниёз Шарқ шеърлятини яхши билган, унинг асрлар давомида шаклланган анъаналари, тажрибаларини чуқур ўзлаштирган шоир сифатида қорақалпоқ поэзиясини жанр, шакл, бадиий воситалар ва услуб жиҳатидан анча бойитди. Тил бадиий тасвир воситаларининг маъно мукамаллигига эришиш учун ундan поэтик санъатлар ифодаси сифатида моҳирона фойдаланди. Қорақалпоқ адабиётида сўз қўллаш санъатини адабиётнинг рухий-эстетик моҳияти ва